
ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

**4-СЪЕЗД ПАТОЛОГОАНАТОМОВ УЗБЕКИСТАНА С МЕЖДУНА-
РОДНЫМ УЧАСТИЕМ, ПОСВЯЩЕННЫЙ 90-ЛЕТИЮ АКАДЕ-
МИКА М.С. АБДУЛЛАХОДЖАЕВОЙ**

ТАШКЕНТ - 2022

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИДА ЧАҚАЛОҚЛАР ИНГИЧКА ИЧАГИНИНГ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШИ

Бердикулов Н.С.

Республика Патологик анатомия маркази

Долзарблиги: Коронавирус инфекциясида ингичка ичак тизимининг бевосита зарарланиши замонавий адабиётларда тўлиқ келтирилмаган. Айнан коронавирус инфекциясида ингичка ичак тизимининг қон томирлари орқали зарарланиши SARS-CoV-2 қўзғатувчиси, асосан ангиотензин ҳосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши вирус концентрациясини ошишга ва шиллиқ қават эпителийларида қумуляцияланишини вужудга келтиради. Бу ўзгариш ўз навбатида шиллиқ қават эпителийларининг зарарланишига ва сақланган эпителий хужайраларининг гиперфункционал ҳолатига олиб келади. Натижада хужайраларда ўзини тиклаш фаолиятининг кескин камайиши шиллиқ қават юзасида серозли гемorraгик типдаги яллиғланиш ва қўшлаб десквамация ўчоқларининг шаклланиши билан намоён бўлади. Айни ишмизда ингичка ичак шиллиқ юзаларида серозли гемоorraгик яллиғланиш жараёни томирларни жавоб реакцияси кўринишида намоён бўлади.

Ишнинг мақсади. Ковид-19 инфекциясида болалар ичак трактидаги патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари: Республика патологик анатомия марказида Ковид-19 инфекцияси ташхиси билан 2021 йила нобуд бўлган 70 та чақалоқларни аутопсия пайтида олинган ингичка ичак тўққимаси. Гистологик препаратлар умумий гематоксилин ва эозин билан бўялган.

Олинган натижалар: Коронавирус инфекциясида чақалоқлар ингичка ичак шиллиқ қаватининг юза соҳаси мукоцитларда ва ворсинкаларнинг стромаси қон томирларида кескин тўлақонлик ва интарэпителиал лимфоцитларнинг қон томир атрофидаги кескин миграцияланиши вирусли қўзғатувчи антигенларига нисбатан юзага келган жавоб реакцияси эканлигидан дарак беради. Жумладан, хали такомил тошмаган шиллиқ қават юзаларида қўшлаб эпителийларининг десквамацияси ва шу соҳаларда нейтрофил инфильтрация ўчоқларининг бўлиши аниқланди. Коронавирус инфекциясида қон томирларнинг кескин жавоб реакциясида морфологик текширишларимизда, шиллиқ қават стромасида кескин интерстициал шишларнинг бўлиши, шу соҳадаги майда калибрли томирларнинг кескин кенгайиши оқибатида шиллиқ қават ворсинкалари стромасига диапедез қон қуйилиш ўчоқлари аниқланди. Қон томир кенгайган ўчоқлар атрофида МАЛТ- структурадан миграцияланган Т ва В лимфоцитларнинг шу соҳадаги инфильтрацияланиши функционал ҳолатдаги эпителлий хужайраларининг компрессион эзилишига ва дистрофик некробиотик ўзгаришларга олиб келиши аниқланди. Бу ўзгаришлар коронавирус инфекциясида морфологик жиҳатдан ўзига хос ўзгаришларни вужудга келтиради. Бу ўзгаришлар асосан вирусларга лимфоцитлар томонидан жавоб берилаётган морфологик хос манзарани беради.

Хулоса: Ковид-19 инфекциясида болалар ичак касалликларининг микроскопик белгилари шиллиқ қават стромасида кенгайган қон томирлар атрофида лимфоцитларнинг инфильтрацияси ва шу соҳадаги шиллиқ қават эпителий хужайраларининг дистрофик ва некротик ўзгаришларига олиб келиши аниқланади. Айнан шу тарздаги ўзгаришлар ОРВИ инфекциясида энтероколитларда шу тарздаги морфологик ўзгаришлар аниқламайди.